

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.1.16.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**Кўлёзма хукуқида
УЎК 336.71 (575.1)**


ТОГАЕВ САЛИМ СОБИРОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛДАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий
даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори,
профессор Ҳобакулов Тулкин Ибодуллаевич**



ТОШКЕНТ – 2022 йил

1184

КИРИШ(фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси).....	3
I-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	13
1.1-§. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш хусусидаги илемий-назарий қарашлар	13
1.2-§. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг методологик асослари	26
1.3-§. Банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича илгор хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон банклари амалиётида фойдаланиш..	35
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	45
2.1-§. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг меъёрий-хукуқий асослари	45
2.2-§. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг амалдаги ҳолати.....	56
2.3-§. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили.....	74
III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ.....	90
3.1-§.Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммолар.....	90
3.2-§. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал қилиш йўллари	99
ХУЛОСА.....	111
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	117

КИРИШ(фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда молиявий барқарорликни таъминлаш банкларни молиявий воситачи сифатидаги ролини оширишда муҳим рол ўйнамоқда. Банкларининг молиявий ҳолатининг барқарорлигини таъминлаш уларнинг молия бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш муҳим зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Бу мижозларнинг банк молиявий хизматларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш имконини беради. Хусусан, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан «Дойчебанкда (Германия) кредитлардан кўриладиган заараларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдори 71,3 фоизга камайди, мазкур даврда, Бэнк оғ Америкада (АҚШ) соғ фойданинг брутто активларга нисбатан даражаси 0,4 фоизли пунктга ошди»¹. Бугунги кунда тижорат банкларининг рентабеллиги, капитал етарлилиги, ликвидлилик меъёри ва кредитлар бўйича яратилаётган захира миқдори орқали тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланмоқда.

Дунёда тижорат банкларининг соғ соғ фоизли спрэд ва соғ фоизли маржа қўрсаткичларининг барқарорлигига эришиш, банк активларининг рентабеллигини таъминлаш, тижорат банкларида риск-менежмент тизимини ривожлантириш, соғ фойданинг ўсиш суръати билан рискка тортилган активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, банклар фаолиятини стресс-тестлаш амалиётини такомиллаштиришга бағишиланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида «банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали

и

¹ Consolidated Statement of income 2021. www.db.com/; Consolidated Balance Sheet. Consolidated Statement of income 2021. www.bankofamerica.com/